

**МАВЛАНОВ ИБРАГИМ**

иқтисод фанлари доктори, профессор, ЖИДУ

**Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда давлатни иқтисодий бошқариш тизимининг айрим жиҳатлари**Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-02-16>

**Аннотация.** Мақоланинг асосий мақсади - Бобур ҳукмронлигидан бошлаб Аврангзеб ҳукмронлиги тугағунга қадар бўлган даврда Бобурийлар сулоласининг давлатида иқтисодиётни бошқарши тизимининг ўзига хос жиҳатларига оид айрим тадқиқот материалларни тақдим этишидан иборат. Тадқиқот методологияси чет эл олимларнинг илмий асарлари, уларнинг монографиялари, ўқув мақолалари ва бошқа манбаларни ўрганишига асосланган. Тадқиқотимизга бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, Бобурийлар сулоласига оид кўплаб хорижий илмий асарларда ўша давр иқтисодиётiga оид бой архив маълумотлари мавжуд бўлиб, улар ҳали кенг тарқалган емас еди. Мақолада Бобур салтанатигача бўлган Ҳиндистон иқтисодиётининг аҳволига еътибор қаратилди. Бобурийлар сулоласи давридаги давлатнинг иқтисодий тизими муаллиф томонидан ўрганилиб, ушибу мақолада қўйидаги йўналишиларда баён етилган: даромад тизимлари, деҳқончилик ривожланиши, қишилоқ аҳолисининг аҳволи, ерга давлат ва хусусий мулкчилик ҳолати, ҳунарманчичлик ва судхўрликни ривожлантириши, ички иқтисодий сиёсатни шакллантириши ва савдони ривожлантириши. Мақолада муаллиф ўша даврда Ҳиндистон иқтисодиётидан, айниқса, қишилоқ жамоаси мураккаб тузилма бўлганлигини қайд етади. Қишилоқ ҳудудини бошқарши тизими, ер егалари, ҳунарманлар ва маҳаллалар ҳуқуқлари, қишилоқ хўжалиги ерларидан солиқ ундирилишини назорат қилиши тизими қайд етилган. Муаллиф илмий тадқиқотнинг асосий натижалари қўйидагилардан иборат: Бобурийлар сулоласи бошқарувининг барча маъмурий ва иқтисодий тизими давлатни ривожлантиришига қаратилганлигини кўпгина тадқиқотлар тасдиқлади, Ҳиндистондаги ва хорижедаги илмий адабиётлар ва хужжатларнинг барчаси Бобурийлар сулоласи давлатининг қудратини ҳамда самарали бошқарулгантигини кўрсатди ва Бобурийлар сулоласининг давлат ва иқтисодиётни бошқарши тизими ҳали ҳам ўзида кўп сиру асрорларни сақлаб қолмоқда.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ҳиндистон иқтисодиёти, Бобурийлар сулоласи, Бобурийлар давлати, Ҳумоюннинг бошқаруви, Акбариоҳнинг бошқаруви, Жаҳонгирнинг бошқаруви, Шоҳ Жаҳон бошқаруви, Аврангзеб бошқаруви.

**Аннотация.** Основная цель статьи – изложить некоторые материалы исследований особенностей системы экономического управления в государстве династии Бабуридов в период от правления Бабура до конца правления Аврангзеба. Методология исследования основана на изучении научных трудов зарубежных ученых, их монографий, учебных статей и других источников. Важность такого подхода была основана на том, что многие зарубежные научные труды по династии Бабуридов приводят богатые архивные данные по экономике того периода, которая пока не была широко доступна. В статье обращено внимание на состояние экономики Индии до правления Бабура. Экономическая система государства в период правления династии Бабуридов была исследована автором и изложена в настоящей статье по следующим направлениям: системы доходов, развитие сельского хозяйства, положение сельского населения, состояние государственной и частной собственности на землю, развитие ремесла и ростовщичества, формирование внутренней экономической политики и развитие торговли. В статье автор отмечает, что в то время в экономике Индии особенно сельская община представляла собой сложную структуру. Отмечается система управления сельской территорией, права землевладельцев, ремесленников и общины, система контроля сбора налогов с сельхозугодий. Основные результаты научного исследования автора сводятся к следующему: многочисленные исследования подтвердили, что вся административная и экономическая система династии Бабуридов направлена на развитие государства; вся научная литература и документы в Индии и за рубежом демонстрируют мощь и эффективное управление династии Бабуридов и государства и подтверждает, что экономическая система династии Бабуридов до сих пор хранит много тайн.

**Опорные слова и выражения:** экономика Индии, династия Бабуридов, государство Бабуридов, правление Хумаюна, правление Акбара, правление Джакхангира, правление Шаха Джакхана, правление Аврангзеба.

**Abstract.** The main purpose of the article is to present some research materials on the features of the economic management system in the state of the Baburid dynasty during the period from the reign of Babur to the end of the reign of Avrangzeb. The research methodology is based on the study of scientific works of foreign scientists, their monographs, educational articles and other sources. The importance of this approach to our

research was based on the fact that many foreign scientific works on the Baburid dynasty provide rich archival data on the economy of that period, which was not yet widely available. The article drew attention to the state of the Indian economy before the reign of Babur. The economic system of the state during the reign of the Baburid dynasty was studied by the author and described in this article in the following areas: income systems, agricultural development, the situation of the rural population, the state of state and private ownership of land, the development of crafts and usury, the formation of domestic economic policy and development trade. In the article, the author notes that at that time in the Indian economy, especially the rural community was a complex structure. The system of management of the rural area, the rights of landowners, artisans and the community, the system of control over the collection of taxes from agricultural lands are noted. The main results of the author's scientific research are as follows: numerous studies have confirmed that the entire administrative and economic system of the Baburid dynasty is aimed at the development of the state; all scientific literature and documents in India and abroad demonstrate the power and effective management of the Baburid dynasty and the state and confirms that the economic system of the Baburid dynasty still holds many secrets.

**Keywords and expressions:** Indian economy, Baburid dynasty, Baburid state, Humayun's rule, Akbarshah's rule, Jahangir's rule, Shah Jahan's rule, Avrangzeb's rule.

**Кириш.** Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи меросини ўрганиш, уни тадқиқ этиши масаласи ҳамон ҳиндшунос ва шарқшунос олимларнинг диққат марказида турган долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунга келиб, Ҳиндистоннинг ўзида ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда юқоридаги масалалар бўйича кўплаб илмий ишлар қилинганига қарамай, ҳали ҳам чуқур илмий тадқиқотларни, янгича ёндашувларни талаб этадиган масалалар ва ўйналишлар ўз ечимини топмай қолмоқда. Бу каби йўналишлардан бири Бобурийлар давлат бошқарув тизими, иқтисодиёт, савдо-сотик ва бошқарув билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни тадқиқ этишдир. Бизнинг тадқиқотимизда Бобур сулоласининг қўйидаги олти буюк ҳукмдорларнинг бошқарув иқтисодий тизимининг хусусиятларини аниқлаш муҳим еди: Бобур (1526-1530й), Ҳумоюн (1530-1540й, 1555-1556й), Akbar (1556-1605й), Жаҳонгир (1605-1627й), Шоҳ Жаҳон (1628-1658й) ва Аурангзеб (1658-1707й).

**Мақсад:** Ушбу мақоланинг мақсади Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг иқтисодий бошқарув тизимини иложи борича чуқурроқ англаш ва ўрганишга уриниш еди. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада Бобур ҳукмронлигидан бошлаб Аврангзеб ҳукмронлиги тугагунга қадар бўлган даврда Бобурийлар давлатида иқтисодиётини ва савдо-сотикни айрим ўзига хос жиҳатларини кўриб чикишга ҳаракат қилдик.

**Усуллар:** Тадқиқот методологияси асосан чет эл олимларнинг илмий асарлари, уларнинг монографиялари, ўқув мақолалари ва бошқа манбаларни ўрганишга асосланган. Тадқиқотимизга бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, Бобурийлар сулоласига оид кўплаб хорижий илмий асарларда ўша давр иқтисодиётига оид бой архив маълумотлари мавжуд бўлиб, улар ҳали кенг тарқалган емас еди.

1. Бобурийлар ҳукмронлиги арафасида Ҳиндистон иқтисодиёти. Профессор Музффар Аълам (Ж.Неру университетининг тарихий тадқиқотлар маркази, Дехли) ва Санжай Субраманъям (Ижтимоий фанларни тадқиқ этиш олий мактабининг фан бўйича директори, Париж)<sup>1</sup>, шунингдек Бамбер Гасконь<sup>2</sup> айтиб ўтадиларки, Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг Ҳиндистонга келиши арафасида бу ерда феодал мулкчиликнинг ўзгартирилган шакли, яъни ерга давлат мулкчилиги кучайган эди, ундан тушган даромадлар саройни, мансабдор шахслар ва аскарларни таъминлаб туриш учун сарфланарди. Ер солигининг ҳажми ва шаклини (натурал ёки пул) давлат аниқлар эди. Давлат ерларининг асосий қисми шартли равишда хизмат учун мукофот тарзида тарқатилар эди. Давлатдан ер олган ҳар бир бундай оила давлат қўшинига аскар бериши керак эди.

Профессор С.Босворс (Манчестер университетининг Яқин Шарқ тадқиқотлари кафедраси) ўз тадқиқотларида ва сўнгги ишида айтиб ўтадики, Дехли сultonлигига шундай

<sup>1</sup> The Mughal State 1526-1750. Edited by Alam Muzaffar, Subrahmanyam Sanjay. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.1-75.

<sup>2</sup> Gascoigne B. The Great Moghuls. – London: Robinson, 2002. – P.1-32.

хусусий ер эгалари тоифаси мавжуд эди, улар ўз ерларини дәхқонларга эркин ажратиб берар ва одатда давлатнинг аралашувисиз рента олар эдилар.<sup>1</sup> Ҳиндистон давлати хазинани юқори даромадлар билан таъминлайдиган, ўз навбатида солиқ тўловчи ер эгаларини хонавайрон бўлишига йўл қўймайдиган солиқ даражасини аниқлашга ҳаракат қиласр эди. Дехли султонлиги даврида мамлакатнинг аста-секин, лекин тўхтовсиз ривожланиши давом этарди, аҳолининг ўсиши, ўрмонларни экин майдонларига айлантириш шундан далолат берар эди, янги қишлоқлар пайдо бўлар, ерга янада астойдил ишлов бериш қўлланила бошланган эди. Кўпгина ҳайдалган ерлар сугорилмас, ҳосил олиш-олмаслик муссонга боғлиқ эди. Сув чархпалак ёрдамида қудуқдан олинар, лекин қудук сувининг сатҳи эса ёмғир миқдорига боғлиқ эди. Дехли ҳукумати сугориладиган ерлар ҳажмини ошириш учун чоралар кўрар эди. Дехли атрофида Ҳовузи Шамси ва Ҳовузи Хас номли катта сув омборлари барпо этилди. Ферузшоҳ ҳукмронлиги даврида Сатлеж ва Жамна дарёларидан 180-200 км. масофани ташкил этувчи сугориш каналлари қурилди ва анчагина ер майдонлари сув билан таъминланди.

Ҳиндистоннинг қулай иқлими йилига икки марта – ҳариф (кузги) ва *раби* (баҳорги) ҳосил етиширишга имкон берарди. Баъзи бир сугориладиган ерларда ҳатто учинчи ҳосилни йиғишириб олиш мумкин эди. Асосий дон экинларидан тарик, буғдой, арпа, гуруч (21 та нави бор эди), нўхатнинг турли навлари ҳамда полиз экинлари ва меваларнинг кўпгина турлари, шунингдек, шакарқамиш, зайдун каби экинлар мавжуд эди. Газмол бўяшда ишлатиладиган индиго дараҳти учун ҳайдалган ерлар, шунингдек ипак қуртини бокиши учун тут дараҳтларини ўтқазиш ишлари ортиб борди.<sup>2</sup> Дехли султонлигига қишлоқ ва шаҳар ҳунармандлари, асосан тўқувчилар, қуролсозлар, мисгарлар, шунингдек қурувчи-тоштарошлар, ғишт терувчилар ва шу каби бошқа ҳунармандларнинг сони ошиб борди. *Корхона* - деб аталувчи йирик ҳунармандчилик устахоналари барпо этилди.

2. Бобурийлар давлатининг иқтисодий тизими. Тарих фанлари профессори Жон Ричардс (Duke University) айтиб ўтадики, “Бобурийлар давлати 200 йилга яқин давр мобайнида ривожланган ва марказлашган давлат бўлган эди. Давлат, иқтисодиёт, қўшиннинг ташкилий тизими, ҳудуднинг кенгайиши узоқни кўра биладиган ва малакали бошқарувга асосланган бўлиб, императорлар ва уларнинг маслаҳатчиларининг марказлашган назорати остида эди”.<sup>3</sup> Профессор Апендра Дей ҳам таъкидлайдики, “Бобурийлар давлатининг маъмурий бошқарув тизими, ҳам марказда, ҳам жойларда самарали ташкил қилинган эди. Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотиқ эса ривожланаётган бўлиб, уларни бошқариш самарали олиб борилар эди”.<sup>4</sup> 1561 йили Мальва ва 1687 йили Голконда Акбар ва Декан ҳудуди Аврангзеб томонидан босиб олинганидан кейин Ҳиндистонда Бобурийлар давлати жуда катта заҳираларга эга бўлди. Ҳар бир мағлуб бўлган ҳукмдорлар хисобидан қўшинни сақлаш учун сарфланадиган ҳаражатларни қоплашга етадиган миқдорда маблағ олинарди. Қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотиқдан солиқ ундириш орқали олинган одатдаги даромадлар Бобурийлар давлати хазинасига тушар эди. Ушбу даромадлар урушлар ва қўшин таъминоти учун сарфланиши керакми ёки маъмуриятнинг кундалик ҳаражатлари учун сарфланиши керакми деган масалада ҳеч қандай муаммо бўлмасди. Бобурийлар давлати ўз иқтисодиётини фақат ўз ресурсларидан молиялаштирас эдилар. Тасодифий камомад пайдо бўлиш эҳтимоли жуда кам эди, чунки марказий хазинада ғоят катта олтин ва кумуш заҳираси бор эди. Европа қиролларидан фарқли ўлароқ, Бобурийлар сулоласи ва уларнинг хазинаси хусусий молиячилар қарзига боғлиқ эмас эди.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Islam R., Bosworth C.E. The Delhi Sultanat / History of Civilizations of Central Asia. Volume IV. Part One. Ed. Asimov M.S. and Bosworth C.E. – Paris: UNESCO, 1998. – P.279-292.

<sup>2</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.2-5.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.1.

<sup>4</sup> Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.X-XVI.

<sup>5</sup> Richards J.F. Mughal State Finance and the Premodern World Economy // Comparative Studies in Society and History, № 23, 1981 – P.285-307.



*Даромадлар тизими.* Бобурийлар давлати молиявий тизимининг асосини даромадлар ташкил этар эди, бу тизим қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва шаҳар савдо сотифини солиқка тортишга асосланарди. *Халиса (Khalisa)* - давлат хазинаси учун даромад йиғувчилар ва жагирдорлар (*jagirdars*) - феодал мулкчилиги учун солиқ йиғиш бўйича агентлар ҳар йили тўлаш йўли билан мис ва кумуш тангада мунтазам тўловларни йигар эдилар.<sup>1</sup>

Акбар ва Аврангзеб бошқаруви оралиғида давлат даромади икки баробардан ҳам кўпроқка ошди. Умумий даромад - шаҳар солиғининг 1/10 ва ердан олинадиган даромаднинг 9/10 Акбар бошқарувининг сўнгги йилларида 5834,6 млн. дамсдан<sup>2</sup>, Аврангзеб бошқарувининг охиригача, яъни 1709 йилда 13339,9 млн. дамсгача ошди. Бу бойликларнинг бир қисми янги ҳудудларни босиб олишдан, қолган қисми эса солиқ божини ошириш ҳисобидан тўпланган эди. Ҳар ҳолда, Бобурийлар давлатининг давлат хазинасидаги йиғилиётган даромадлари узоқ вақт давомида салмоқли эди.<sup>3</sup>

Лекин XVII асрда нархнинг кўп йиллик ўзгариши сабабли даромаднинг бундай ўсишини баҳолаш мураккаблашган. Баъзи бир иқтисодиёт тарихини тадқиқ этувчилар қайд этадиларки, XVII асрнинг биринчи олтмиш йиллигида кумуш валютада нархнинг икки баробар ошиши юз берган, сўнг турғунлик бўлган, 1700 йилдан бошлаб эса, нарх ошишининг эллик йиллик даври бошланган. Шунинг учун ҳам Бобурийлар давлати даромадларининг ошиши кўп вақт давомида кумуш валютанинг инфляцияси билан биргаликда давом этган.

Професор С.Сабраҳманъямнинг тадқиқотига кўра, XVII аср субконтинент учун узоқ муддатли нарх ҳақидаги маълумотлар жуда оз ва улар тугалланмагандир: “хинд маълумотлари гувоҳлик берадики, у вақтда ҳамма ерда нарх инфляцияси ҳеч бўлмаганда тасодифий эди ва маълум минтақа ва маълум истеъмол моллари билан чегараланган эди...”<sup>4</sup>. Узоқ муддатли миқдорий маълумотларнинг озлиги сабабли қуйидаги ҳол юз бериши мумкин бўлган эди. Кумуш валютанинг бозорга кириб келишига кенгаяётган ҳинд валюта тизими ва иқтисодиётининг ривожланиши сабаб бўлди. Кумуш валюта таннархини ошириш меъёри, меҳнат унумдорлиги ва валютага нисбатан талабнинг ошишига мувофиқ равишда танлаб олинган эди, бу эса нарх инфляциясини секинлаштириди, ҳаттоқи олдини олди ҳам.

Ҳар ҳолда, Жон Ричардснинг таъкидлаши бўйича, Бобурийларнинг молиявий маъмурияти яхши бошқариладиган, ўзгараётган иқтисодий шарт-шароитларга жавоб қайтара оладиган ишончли тузилмани яратди. Молия мутасаддилари амалда узоқ муддатли нарх ўсиши тенденциясини ҳисобга олиб, иш тутар эдилар. Лекин улар солиқни ҳам бир меъёрда ошириб борар эдилар. Агар мўлжалланган нарх ошиши ҳақиқатда содир бўлса, ўз навбатида минтақаларда ҳайдалган ерлар майдони ошар, давлат томонидан қишлоқ хўжалигига солинган солиқнинг умумий миқдори эса шунга қараб камайтирилар эди. Масалан, 1600 йилдаги ҳақиқий ҳисобда ифодаланган солиқка кўра, 1700 йилда ўрнатилган солиқ ерга ишлов берувчи кўпгина аҳоли учун камайтирилди, шунинг учун ҳам, худди ўша солиқ божлари кам миқдорда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ўрнатилди. Бобурийлар маъмурияти даврида ўрнатилган даромадлар тизимини ҳисобга олиб, қулай ерларга эга бўлган ер ҳайдовчи дехқонлар (*zamindars*) ва ижарачилар номутаносиб даромад олардилар деган эҳтимол ҳам мавжуд.<sup>5</sup> Умуман олганда, давлат даромадлари тизими (*zabi*)<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.185.

<sup>2</sup> Дамс - оғирлиги 21 граммли мис танга, Акбар-шоҳ зарбхонаси томонидан чиқарилиши давом этарди.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.186.

<sup>4</sup> Subrahmanyam Sanjay. Precious Metal Flows and Prices in Western and Southern Asia, 1500–1750: Some Comparative and Conjunctural Aspects // Studies in History, № 7, 1990. – P.79-105.

<sup>5</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.187.

<sup>6</sup> Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.111-112.



қишлоқ аҳолиси устидан назоратни кучайтира бориб, Бобурийлар маъмуриятига янада юкорироқ солиқ солиш имкониятини яратган.<sup>1</sup>

*Қишлоқ иқтисодиёти.* Солиқ солиш тизимининг қатъийлигига қарамай, Бобурийлар давлати томонидан ўрнатилган даромадлар тизими қишлоқ хўжалигига инвестиция кириб келишини тўхтата олмади ва аҳолининг кўпайишига тўсқинлик қила олмади. Баъзи бир консерватив баҳоларга кўра, Ҳиндистоннинг аҳолиси XVII-XVIII асрлар давомида астасекин кўпайиб борди. Аҳоли сони 1600 йилда 150 миллион бўлган бўлса, 1800 йилда 200 миллионга етди. Ҳаттоки, озиқ-овқат етишмаслиги ва қасалликлар сабабли ўлимнинг кўплиги ҳам аҳоли ўсишини тўхтата олмади. Аҳолининг кўпайиши қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашишига имкон туғдирди.<sup>2</sup>

XVII аср давомида Бобурийлар сулоласи бошқаруви даврида Ҳиндистоннинг қишлоқ хўжалик иқтисодиёти гуллаб яшнади. Қишлоқ хўжалигига дехқонлар ҳаттоки, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарар эдилар. XVII асрда дехқонлар ғоят катта миқдорда озиқ-овқат ва техник экинларни самарали ва сифатли қилиб етиштирасар эдилар. Бобурийлар давлатининг солиқ солиш тизими бу вақтда индиго, пахта, шакар қамиш, дон экинларига ўхшаш экинлар етиштиришни рағбатлантиришга йўналтирилган эди. Давлат рағбати ва жуда катта талаб бозор эҳтиёжи учун кўрсатилган экинлар ишлаб чиқаришнинг ривожини анчагина фаоллаштиради.<sup>3</sup>

Ҳинд дехқонлари жуда тадбиркор бўлиб, фойда келтирадиган дон экинлари етиштиришни тезда англаб олар эдилар. Масалан, 1600-1650 йиллар оралиғида икки хил қишлоқ хўжалик экинлари - тамаки ва маккажӯҳори етиштириш Бобурийлар давлати таркибига кирадиган барча худудлар бўйича кенг тарқатилди. Бенгал дехқонлари тут дараҳтини экиб, ипак ишлаб чиқариш йўлларини жуда тез ўзлаштирилар. Бу эса Бенгалияни жаҳонда ипак ишлаб чиқариш бўйича асосий минтақага айлантиради. XVII асрнинг иккинчи ярмида Гангетик шарқий текислигига савдо-сотиқ экспорти кенгайди, буни Патнадаги Европа савдо-сотиқ марказлари жадаллаштирилар, бу эса пахта, афюн, шакар етиштириш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга олиб келди. Бобурийлар давлатидаги қарийб барча минтақалар қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш билан фаол шуғулландилар. Ҳимолайнинг тоғолди худудларида, Шарқий Бенгалия ва Ассамда ғайратли мусулмон дехқонлари гуруч етиштириш учун ғоят катта худудни ўрмонлардан тозаладилар. Ҳиндлар ва сикхлар Панжоб дарёсининг ўзанига экин экиш учун худудларни тез суръатлар билан кенгайтирасар эдилар. Ернинг юқори унумдорлиги буғдой, пахта, зайдун ва бошқа экинларни етиштиришга қўйилган инвестицияларни тезда қоплади. Шаҳарларда мазкур экинларга бўлган юқори талаб ва эҳтиёжлар минтақалар орасида қуруқликдаги савдо-сотиқни ривожланишига имкон туғдирди.<sup>4</sup>

*Бобурийлар давлатининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошқаруви (1526-1530 йиллар).* Бобур хукмдорлиги даврида ерларни давлатга хизмат кўрсатган шахсларга мукофот тарзида бўлиб берди, кейинчалик бу иш жагар номини олди.<sup>5</sup> Янги соҳибларнинг барча хўжалик ишларини бошқарувчилар, яъни мамлакат урф-одати ва дехқонлар тўлай оладиган солиқ миқдорини яхши биладиган хиндларнинг ўзлари юритар эдилар. Абу-л Фазл Аллами томонидан ёзилган «Акбар-наме» китобида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк сахийлиги таъкидланган. Хусусан, “Ҳиндистондаги ҳар бир кичкина ва буюк киши қиролнинг хайриҳоҳлиги ва раҳм-шафқатини бошдан кечирган” дейишади.<sup>6</sup> Ҳарбий фатҳлардан сўнг олинган хазиналар кейинчалик оиласарга, ҳарбий хизматчиларга,

<sup>1</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.85.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.190.

<sup>3</sup> Raychaudhuri Tapan. The Agrarian System of Mughal India: A Review Essay / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.159-183.

<sup>4</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.191.

<sup>5</sup> Moreland W.H. Rank in the Mogul State Service / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.213-214.

<sup>6</sup> Abu-l Fazl Allamy. Akbar-Name. – Samara: Izdatelskiy dom “Agni”, 2003. – P.150-156.



олимларга совғалар ва мукофотлар сифатида тарқатиларди. З.М.Бобур бошқарув тизими ва давлат жамғармаларини тақсимлаш масалаларида жуда талабчан эди. У ёзганидек, “бошқарувга нисбатан ҳеч қандай баҳона ва эслатма” бўлмаслиги керак.<sup>1</sup>

*Хумоюннинг бошқаруви (1530-1556 йиллар).* Бобурнинг катта ўғли Хумоюн Гуджарат, Раджпутана ва Бихарнинг бир қисмини босиб олиш билан ўз мулкларини кенгайтиришга ҳаракат килди. Деҳлида Хумоюн ўз даврида давлатни бошқариш бўйича маҳсус тизимни яратишга жазм қилди, бу тизим тузилишининг тамойили қўйидагилардан иборат эди. У барча одамларни тўрт тоифага бўлди: 1) ҳарбийлар; 2) ҳунармандлар, савдогарлар; 3) файласуфлар, шифокорлар, ҳандаса олимлари ва астрономлар; 4) ер ҳайдовчилар ва ишчилар.<sup>2</sup> Шунингдек, барча сарой аҳлини тўрт гурухга бўлди: 1) асилизодалар; 2) маслаҳатчилар ва ёрдамчилар; 3) императорга яқинлар; 4) хизматкорлар. Шунга мувофиқ равишида Хумоюн тўртта давлат бошқармасини ташкил этди: 1) ёнғин бошқармаси - бунга ҳарбий ишлар берилди; 2) ҳаво бошқармаси - бунга кирувчи амалдорлар даромад йиғиши билан шуғулланар эдилар, маъмуриятнинг даромад ва ҳаражатлари ҳисботини олиб борар эдилар; 3) сув бошқармаси - сугориш ва сарой заҳираларини назорат қиласар эдилар; 4) ер бошқармаси-солиқ, ҳалиса ерларни бошқариш ҳамда қурилиш ишлари билан шуғулланар эдилар.<sup>3</sup> Бундай маъмурий бўлиниш турғун эмас эди ва у Акбаршоҳ томонидан бекор қилинди.

*Акбаршоҳнинг бошқаруви (1556-1605 йиллар).* Қарийб ярим аср давом этган Акбаршоҳ ҳукмдорлиги Бобурийлар сулоласи ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Акбаршоҳ ёшлигидеёқ амин бўлди, Хиндистонни фақат ҳам мусулмонлар, ҳам ҳиндларга таянган ҳолда бошқариш мумкин.

*Бошқарув тизими.* Акбар буюк давлатга раҳбар бўлгач, Бобурийлар сулоласи ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун давлатнинг ички тузилиши ва барча бошқариш тизимини тартиба солиш масалаларини энг муҳим режа деб қабул қилди. Акбар давлатида бош бошқарма молия бошқармаси эди, буларнинг бошида *девон* турар эди.<sup>4</sup> Солиқчилар асосан ҳиндлардан иборат эди. Қўшинда бош интендант ва ғазначи - *мири баҳии* жагирлар берилиши устидан назоратни амалга оширади, кўрикда эса аскарларни ва қурол-аслаҳаларни текширади. Қолган ишларни ҳарбий бошлиқлар ўз бўлимларига буйруқ берган ҳолда ҳал этар эдилар. Диний ишлар бўйича бошқарма *садарат* деб аталарди.<sup>5</sup> Бош *садр* жиной ва фуқаролик ишлар бўйича қозиларни тайинлар ва *суюрголларни* тарқатишни бошқарар эди. Вилоят ва туманларда параллел равишида фуқаро ва ҳарбий бошлиқлар фаолият кўрсатар эдилар, улар бир-бирларини назорат қилишлари ва ҳар қандай айирмачиликни тўхтатишилари керак эди. Баъзи бир йирик вилоятларда ўзларининг вилоят садрлари бўлар эди. 1574 йили Акбар феодаллар синфи ичидаги ўзаро муносабатларни тартиба солишга интилиб, уларнинг даражаларига (*зотига*) мувофиқ ҳарбий бошлиқларга *жагирларни* тарқатиб, лавозимлар (*мансаблар*) иерархиясини киритди.<sup>6</sup> Лекин жагирдорлар қарорни четлаб ўтиш йўлларини топар ва бўлимларнинг таъминоти учун бошлиқлар томонидан ўрнатилган миқдордан кўра камроқ ҳаражат сарф қиласар эдилар. Буни қонунлаштиришга тўғри келди ва янги *савар* мансаби киритилди.<sup>7</sup> Зот даражаба бўлиб қолди, савар эса ҳарбий бошлиқ ҳақиқатда қанча отлиқни таъминлаш кераклигини белгилар эди (масалан, мингбоши ҳам мингта, ҳам беш юзта, ҳаттоқи, тўрт юзта отлиқ аскарни ҳам

<sup>1</sup> Babur-Name. / Perevod M. Calye. – Tashkent: Glavnaya redacthiya entsiklopediy, 1993. – P.349-350.

<sup>2</sup> Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.11.

<sup>3</sup> Ўша маңба. – Б.12.

<sup>4</sup> Ўша маңба. – Б.29-47.

<sup>5</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.36-40.

<sup>6</sup> Moreland W.H. Rank in the Mogul State Service / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.213-234.

<sup>7</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.24-25.



таъминлаши мумкин эди). Жагирнинг катталиги зотга ва саварга боғлик бўлиб қолди.<sup>1</sup> Натижада тақдим этишлар ошди ва давлат ерларининг фонди - халиса қисқара бошлади.<sup>2</sup> Шунда Акбаршоҳ жагирларни йўқ қилишни ўйлади. 1574 йили у барча давлат ерларини уч йилга халисага ўтказишга буйруқ берди, ҳарбий бошликларга эса пул билан ойлик тайинлади. Ер солиғини олдиндан йирик гаров тўлаб амалдор-кууриялар йиғиши керак эди. Бу чора жагирдорларнинг кучли қаршилигига учради, чунки улар ўз ер мулкларидан ажralиб қолдилар ва бу эса дехқонларнинг хонавайрон бўлишига олиб келди. Уч йилга тайинланган кууриялар дехқонлардан нима мумкин бўлса, ҳаммасини олишар эди, чунки улар гаровни қоплаб кўпроқ фойда олишлари керак эди. Ислоҳотни бекор қилишга тўғри келди.

*Дехқонларнинг аҳволи.* Бобурийлар давлати аҳолиси кўп сонли қабилаларга ва халқларга мансуб бўлиб, турли тилларда сўзлашар ҳамда ижтимоий ривожланишнинг турли босқичларида бўлиб, турли касталарга (табақаларга) ва диний қарашларга бўлинган эди. Кўпчилик аҳоли қишлоқ жамоаси шаклида яшаган. Дехқонлар ер солиғи кўринишида давлатга рента тўлар эдилар. Ҳукумат бу рента солиғини тўхтовсиз ундиришига тарафдор бўлса ҳам, лекин дехқонларнинг хўжалик фаолиятига давлат ҳам, феодаллар ҳам аралашмас эди. Давлат улуши ҳосилнинг 1/3 қисми деб эълон қилинди. Асосан бундай солиқ “адолатли” деб қабул қилинган, лекин баъзида дехқонлар уни тўлай олмас эдилар. У ҳолда солиқ аскарлар ёрдамида йиғиларди. Ерга ишлов бериш давлат мажбурияти бўлган ва солиқ йиғувчига барча яроқли майдонларда экин экилишини қаттиқ назорат қилиш топширилган эди. Солиқ йиғиши тартибга солиш учун Акбаршоҳ ўз давлатининг марказида барча ҳайдаладиган ерларни ўлчаш тизимини киритади, бунинг устига қисқартириш ва чўзиш мумкин бўлган арқон эмас, балки бамбук таёғи билан ўлчашни тавсия этади.

Ҳиндистонда қишлоқ жамоаси мураккаб тузилма эди. Жамоа ер эгаси сифатида катта бўлмаган худудни, одатда қишлоқ атрофини идора қилар эди. Жамоа бошликлари ишланадиган ердан йигиладиган соликни назорат қилар эди. Жамоа хунармандлари ва хизматкорлари бир неча қишлоқдаги ўзларининг доимий мижозларига хизмат қилиш хуқуқига эга эдилар. Масалан, ҳар бир қишлоқ амалда майдон қўриқчиси ва миршаби - моҳарага эга бўлган, лекин бошқалар, яъни бир тақачи икки қишлоққа, бир заргар беш қишлоққа ва шунга ўхшаш хизмат кўрсатиши мумкин эди. Ушбу қишлоқ округига хизмат кўрсатадиган турли хунармандларнинг умумий сони ўртacha 7-12 одамдан иборат бўлиши мумкин эди. Одатда жамоа хунармандларнинг ҳар бир қилган ишига пул тўламасдан, балки иш учун ҳосилнинг улуши ёки солиққа тортилмайдиган ер майдони берар эди. Шуни ҳисобга олиш керакки, бир қишлоқ жамоа аъзоси қўшни қишлоқдан тўлиқсиз эга сифатида қўшимча ер майдонини сотиб олиши мумкин эди. Шунинг учун жамоа хукмронлигининг тарқалиш чегарасини қатъий қилиб аниқлаш қийин бўлган, лекин бир неча қишлоқ дехқонлари бозорнинг ёрдамисиз керакли хунармандчилик молларини сотиб олишлари мумкин эди.<sup>3</sup>

Оқсоқол ва мирза, бир томондан, жамоа вакиллари бўлса, бошқа томондан эса, давлат хизматида тураг эдилар. Қишлоқдан солиқ учун олинадиган барча маблағ тўлангандан кейин, оқсоқолга жамоанинг барча фойдаланаётган ерларининг 1/10 қисми миқдорида солиқ солинмайдиган ер ажратиб берилар эди. Давлатнинг марказий вилоятларида Акбаршоҳ томонидан амалга оширилган натурал соликни пул солигига ўтказиш дехқонлар учун оғир юқ бўлди.<sup>4</sup> Ҳинд дехқони пул олиш учун энди ўзи ёки жамоа оқсоқоли ёрдамида ўз маҳсулотларини сотиш учун тез-тез бозорга боришга мажбур бўлган

<sup>1</sup> Richards J.F. The Formulation of Imperial Authority under Akbar and Jahangir / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.157-167.

<sup>2</sup> Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.160-169.

<sup>3</sup> Singh Chetan. Conformity an в Conflict: Tribes and the ‘Agrarian System’ of Mughal India / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.421-448.

<sup>4</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.79-93.

ва бунинг натижасида у савдогар ва судхўрга қаттиқ қарам бўлиб қолар эди. Лекин Акбаршоҳ кўп майда солиқларни бекор қилган бўлса ҳам, савдогарлар факат ўз фойдаларига солиқ ундиришни давом эттиар эдилар. Дехқонлар солиқ тўлашдан ташқари, яна вақти-вақти билан давлат учун асосан қалъалар, шаҳарлар ва шунга ўхшаш қурилишларда ишлаб беришга мажбур эдилар. Бу мажбурият *бегар* деб аталар эди. Агар яқин атрофда қалъа истеҳкоми қурилаётган бўлса, унинг меҳнати айниқса оғир бўлган, чунки Акбар бундай қурилишларга шу атрофдаги қишлоқларни бириклириб қўяр эди.

*Давлат ва хусусий ер мулки.* Ҳиндистонда Бобурийлар давлати биринчи навбатда ерга эгаликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Давлат ерларининг мавжудлиги хазинага рента/солиқ йиғишига давлат қўшинидан иборат аскарлар сафини таъминлаш ва ўз ҳисобидан уларни ушлаб туришга мажбур бўлган савдогарларга ерлар шартли равишда тақдим этилишига имкон берар эди. Савдогарлар/феодаллар кучайиб, шартли равишда берилган ерларни ўз мулкларига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Бобурийлар сулоласи бошқарувининг бутун даврида давлат мулки билан хусусий мулк ўртасидаги кураш доимий эди.

Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ерга давлат мулкининг икки шакли - *халиса* ва *жагир* мавжуд эди.<sup>1</sup> Барча босиб олинган ҳудудлар *халиса* деб аталувчи давлат ер фондига айланар эди. Бошқарувчи бу фондлардан жагирлар, шунингдек турли хил руҳонийларга ва диний уламоларга инъомлар тарқатар эди. *Халисанинг* бундай қўнимсизлиги унинг миқдорини ҳисоблашга имкон туғдирмайди. *Халиса* хақиқий давлат мулки эди. *Жагир* - шартли инъомдир.<sup>2</sup> Уни олган одам жагирнинг катталигига мос равишда ҳукмдор қўшинининг асосий бўғинини ташкил этадиган аскарлар бўлимларини боқишига мажбур этилар эди. Жагирга берилган ер давлат мулки бўлиб қолаверар эди. Ер солиғининг миқдори, ундириш усули ва шакллари жагирдорнинг ўзи томонидан аниқланмас, балки давлат томонидан белгиланар эди. Жагирдорнинг ерлари одатда мерос бўлиб ўтмайди ва ер эгасининг ўлимидан сўнг ер хазина ихтиёрига ўтарди. Жагирдордан бир ер эгалигини олиб кўйиб, ўрнига мамлакатнинг бошқа қисмидан бошқа ер берилиши мумкин эди. Акбаршоҳ даврида айирмачиликка қарши курашиш учун бундай ҳолатлар тез-тез бўлиб турарди. Шунинг учун жагирдор муайян ерга ўртacha ўн йилдан кам эгалик қилар эди.

Шу билан бирга, жагир мулклари хусусий феодал мулкининг баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қиласи эди. Чунки йирик жагирдорлар давлат хизматига (яъни бўлимларни боқишига) улар томонидан йиғиладиган солиқнинг 1/3 қисмини сарф қиласи эдилар, кичиклари эса ярмидан ҳам кам эди. Бундан ташқари, Акбаршоҳ даврида унга бош этган раджаларга, уларнинг олдинги ерларини жагир билан инъом қиласи ва бундай жагир одатда мерос бўйича ўтар эди. XVII асрда ҳаттоқи “меросий жагир” атамаси кенг тарқалди. Одатда жагир бир неча ўн минг гектар ерни қамраб оладиган йирик мулк эди. Акбаршоҳ даврида жагирдорлар ўзларининг ҳуқуқларини жуда қадрлар эдилар. Чунки Акбар даврида давлат энди шаклланаётган бўлиб, жагирдорлар (йирик ва кичик) сони ўша пайтда фақат икки мингга яқин эди.

Бобурийлар давлатида шунингдек *феодал-заминдорларнинг* хусусий ер мулки ҳам мавжуд эди.<sup>3</sup> *Заминдорлар* деб, Акбар даврида бадавлат ер мулки эгалари айтиларди, улар Бобурийлар давлати суверинитетини тан олган ва ўлпон тўлашга рози бўлган шахслар эди. Солиқнинг ҳажми қарам бўлиш вақтидаги кучларнинг ҳақиқий нисбатига боғлиқ эди. Бобурийлар маъмуриятининг солиқ бошқармаси заминдор билан дехқон ўртасидаги ўзаро муносабатларга аралашмас эди, заминдор ҳақиқатда ер солиги эмас, балки рента оларди ва уни йиғиш йўли ва миқдорини одатда ўзи ўрнатарди. Ориссада, Бихарда ва баъзи бир бошқа жойларда раджапутлар орасида заминдорларнинг бир қисми ёлланган меҳнатдан

<sup>1</sup> Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.135-137.

<sup>2</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.66-93.

<sup>3</sup> Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.191-193.

фойдаланиб, ўз хўжаликларини юритар эдилар. Заминдорлар ерлари расмий мерос бўйича ўтказилар, инъом қилинган ерга эгалик қилиш учун сюзереннинг ёслиги талаб қилинар эди, лекин бу факат заминдорликка бир нечта даъвогар курашган даврда аҳамиятга эга эди.<sup>1</sup>

Бобурийлар давлатида *суюргол*, шунингдек мулк (милк), вақф ёки инъом деб аталган, шахсий феодал мулки бўлган. Суюрголлар асосан сўфий шайхларга ва мусулмон уламоларига, баъзи ҳолларда диний унвони бўлмаган шахсларга ҳам берилар эди. Акбаршоҳ даврида унинг диний сиёсатига боғлиқ равишда суюрголларни бошқа диндаги руҳонийларга ҳам бера бошладилар. Суюргол одатда мерос бўйича бериладиган кичикроқ ер бўлиб, унинг эгасига ҳеч қандай мажбурият юкламайди, суюргол эгаси факат хукмдорга бағишилаб ибодат қилиши керак эди. Суюргол ерлари давлат ерларининг бор-йўғи уч фоизга яқинини ташкил этарди. Ер солифи, иқтисодий ҳаёти ва Бобурийлар салтанатида давлат бошқарувининг айрим жихатлари ўзбек олимлари тамонидан ҳам кўриб чиқилган.<sup>2</sup>

**Хунарманҷилик.** Хунарманд қишлоқ жамоасида талаб қилинган нарсани ясад, бунинг учун жамоадан ҳосилнинг улушкини ёки кичик солиққа тортилмайдиган ер участкасини оларди. Шаҳарда ёки хунармандлар қишлоғида яшовчи хунармандларнинг кўпчилик қисми буюртмачи ёки бозор учун ишлар эдилар. Ҳиндистонда энг кўп ривожланган соҳа газмол ишлаб чиқаришдир, яъни пахтали ва ипакли, гул тикилган ва гул босилган, бўялган ва бўялмаган газмол ишлаб чиқаришдан иборат бўлган. Масалан, Акбаршоҳ кийим жавони рўйхатида юзга яқин ҳинд газмолларининг тури санаб ўтилган.

Аграда турли мутахассисли қурувчи ишчилар, Гуджаратда қимматбаҳо тошлар билан безатиши (инкрустация) усталари, Бенгалияда кемасозлар кўп эди. Ҳиндистонда бошқа ишлар ҳам кенг тарқалган эди: темир ва рангли металлар қазиб чиқариш, қурулиш тоши, туз, селитра олиш, қофоз тайёрлаш, заргарлик буюмлари ясад, ўсимлик мойи етишириш, ширинликлар тайёрлаш шулар жумласидандир. Ҳинд хунармандларининг маҳсулотлари ўзининг пухталиги билан қадимдан қадрланар эди. Шунингдек, сотиш учун тикув жиҳозининг энг мураккаб қисми бўлган бердо тайёрланар эди. Бердо орқали асосий иплар ўтказилган. Бу хунармандчиликнинг ривожланганлиги ҳақида гувоҳлик берар эди. Кастага бирлашган хунармандлар каста бошлигини ва бозорда хунармандларнинг маҳсулотини сотадиган *даллолни* тайинловчи феодал хукмдорларга боғлиқ эдилар. Давлат устахоналарида ишлайдиган ишчи-хунармандлар яна ҳам катта қарамлика дучор эдилар, у ерда қўшин учун қурол-аслаҳа, шунингдек хукмдор учун, у ўз яқинларига бериши мумкин бўлган маҳсулотлар тайёрланар эди.

Аванслар ва товарларни сотиб олиб кўйиш тизими савдогар томонидан хунармандни қулликка солишининг энг тарқалган шакли эди. Савдогарлар олдиндан хунармандга овқатланиш ёки хом-ашё сотиб олиш учун пул берар, хунарманд эса ўз маҳсулотини факат шу савдогарга ва арzonроқ нархда беришга мажбур бўлар эди. Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоғида хунармандчилик ва савдонинг асосий турлари ижарага берилган бўлиб, солиққа ҳам тортилганди. Ижарадор солиққа лойик шу турдаги товарларни ишлаб чиқаришда монопол ҳуқуққа эга эди (масалан, ип газлама, бетель, тозаланмаган гуруч, фил суюгидан қилинган маҳсулотлар ва бошқалар). Ижарадорнинг ёзма рухсатисиз ушбу маҳсулот турини ҳеч кимга сота олмас эди. Ижарадор одатда бой ҳинд савдогари ёки ушбу ишлаб чиқариш кастаси хунармандларининг бошлиғи бўлар эди.

**Судхўрлик.** Қирғоқ бўйига нисбатан давлат худудининг марказида бой савдогарларнинг сони кам эди. Лекин шундай бўлсада, бу ерда судхўрлик гуллаб яшнарди. Судхўрлар ҳарбий бошлиқларга, сарой аҳлига ва дехқонларга қарзга пул берар эди, чунки улардан мамлакат марказида пул солиғи қаттиқ талаб қилинарди. Акбаршоҳ даврида қишлоқда кунига 75 % (йилига 900 %) ҳисобидан пул қарз берилар эди. Бу эса қишлоқда пул

<sup>1</sup> Hasan S.Nurul. Zamindars under the Mughals / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.284-300.

<sup>2</sup> Satimov G'. Markaziy Osiyo va Hindiston tarixida Boburiylar davri. – Tashkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – P.183-222.



муносабатлари заиф ривожланганини кўрсатарди. Ҳиндистонда товар-пул муносабатлари анчагина ривожланишига қарамасдан мамлакатда бутун ҳокимият феодаллар қўлида тўпланганди. Пул айланмасидаги вакиллар - савдогарлар ва судхўрлар ҳамда хунармандлар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳеч қандай рол ўйнамаса-да, лекин уларнинг манфаатлари қандайдир даражада ҳисобга олинар эди.

*Жаҳонгирнинг бошқаруви (1605-1627 йиллар).* XVII асрнинг бошларида Акбаршоҳ томонидан эълон қилинган дин эркинлиги сиёсатида баъзи бир чекинишлар кузатилганди. Бу даврда Гуджарат иқтисодиёти гуллаб яшнар эди.

*Гуджарат иқтисодиёти.* Бобурийлар давлатининг энг ривожланган туманидан бири, унинг иқтисодий маркази Гуджарат эди. У ерда чиройли газламалар ишланар эди. Индиго, сердоликдан майда буюмлар, безатилган қуроллар ва бошқалар ишлаб чиқарилар, ички савдо-сотиқ ривожланган эди. Кўпгина шаҳар ва йирик қишлоқларда хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилса-да, лекин ташқи савдо-сотиқ янада каттароқ аҳамиятга эга эди. Ҳиндистоннинг энг йирик бандаргоҳи Сурат шаҳри бўлиб, у ердан денгиз орқали товарлар Форс қўлтиғи худудларига ва Араб денгизига олиб борилар, шунингдек Ҳиндистоннинг барча ғарб қирғоқлари бўйлаб каботаж савдо- сотиғи олиб борилар эди. Табиийки, Гуджаратда савдогарларнинг анчагина қисми, ҳам мусулмон, ҳам ҳиндлардан иборат эди. Махсус савдо-сотиқ касталаридан - Мусулмонхўжа, Боҳра, Банджара, ҳиндлардан ташқари ҳинд савдогарларининг умумий номи “банъя” ёки “баккал” дейилиб, манбаларда ёдга олинган эди. Баъзи бир Гуджарат савдогарлари жуда ҳам бой ва обрўли кишилар эдилар.

*Шоҳ Жаҳон бошқаруви (1629-1658 йиллар).* Шоҳ Жаҳон саройининг бойлиги ва ҳашаматлилиги жиҳатидан олдинги бобурийлардан устун эди. Катта шаҳарларда оқ мармардан қурилган ва ичига ярим қимматбаҳо тошлилар билан инкрустация қилинган ажойиб бинолар (буларнинг ичиди Аградаги машҳур Тож Маҳал мақбаси) қад кўтартган эди. Кўшинсон жиҳатидан кўпайиб кетди. Жангга отланиш вақтида юқ ташувчилар ва хизматкорлар аскарлар сонидан бир неча маротаба ошиб кетар эди. Урушда нафақат отлиққа ва пиёдаларга, балки жангвор филларга бўлган эҳтиёж катта эди ва буларнинг барчаси ғоят катта маблағ талаб қиласа эди.

*Ички сиёсат.* Шоҳ Жаҳон Деканга ноиб қилиб ўзининг иккинчи ўғли Аврангзебни тайинлади. Солиқ йиғиши тартибга солиши учун Аврангзеб девони Муршид Кулихан “Муршид Кулихан дхараси” деб аталган янги солиқ тизимини киритди. Унинг мақсади пул аванслари - тақавини тарқатиш йўли билан дехқонларни бўш қолган ерларга жалб қилиш эди. Шунингдек суғориладиган ерларга паст солиқ микдори киритилган эди, солиқка тортиш суммаси тўралар билан дехқонлар ўртасида музокара йўли билан ўрнатилар эди, яъни дехқоннинг солиқни тўлаш имконияти ҳисобга олинар эди. Гарчи феодаллар асосий ер солигидан ташқари, яна ўн тўртта бошқа тушумлар йиғсалар-да, лекин Муршид Кулихан дхараси Деканда аста-секин дехқон хўжаликларининг тикланишига олиб келди.

*Аврангзеб бошқаруви (1658-1707 йиллар).* Аврангзеб ўзининг узоқ муддатли бошқаруви даврида тўхтовсиз урушлар олиб борди. Кўшинининг сони 170 минг отлиқ аскар ва бир неча юз минг аравакашга етди. Бу урушлар учун ғоят катта маблағ талаб қилинар эди. Ҳарбий бошликлар ва фуқаро хизматчилари сони Шоҳ Жаҳон даврига қараганда яна ҳам ошди ва энди жагир сифатида тарқатиш учун ерлар етмай қолди. Жагирдорлар даромади кескин камайди, чунки ҳазина учун давлат улардан турли қўшимча солиқлар талаб қила бошлади, бунинг устига кўпгина жагирдорлар ҳарбий ҳаракатлар сабабли хонавайрон бўлган эдилар. Улар талаб қилинган чавандозларни боқа олмай қолдилар. Аскарлар баъзида бир неча йил маош олмас ва бу вақтда улар асосан ахолини талаш ҳисобига кун кўрар эдилар. Жагирларни тез-тез мерос бўйича ер бериш бошланди, лекин XVIII асргача жагир шартли, хизматга оид ҳисобланар эди. Илгаригидек жагирдор ўлиши билан унинг мулки давлат ҳазинаси тушар эди ва ҳазиначи охирги ҳисоб - китобни амалга оширап эди. Лекин бунга кўп йил кетиши мумкин эди, натижада жагирдорлар жагир ўрнига ҳазинадан ойлик беришни сўрай бошладилар. Хукумат бу илтимосни рад этди.



Маблағи етишмаган хукумат, ўз даромадларининг катта қисмидан маҳрум бўлган жагирдорлар, анчадан бери ойлик олмаётган армия – барчаси ўз муаммоларини асосан дехқонлар ҳисобидан амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Агар Акбаршоҳ даврида ер солигининг миқдори ҳосилнинг 1/3 қисмини ташкил қилган бўлса, Аврангзеб даврида энди ярмини ташкил этди, ҳақиқатда эса солиқ оғирлиги яна ҳам ошиди. Дехқонлардан солиқ қанчалик кўп ундирилса, уни йиғиб олиш шунчалик қийин бўлар эди. Дехқонлар кўп жойларда хўжаликни юрита олмай қолдилар ва ўтрок ерлардан кетдилар, ғалаёнлар келиб чиқа бошлади.<sup>1</sup>

Соликларнинг камомади қолган дехқонлардан озроқ солиқ йиғишга ҳаракат қиласар эди. Натижада очарчилик давлатнинг гоҳ бир, гоҳ бошқа қисмida мунтазам қийинчиликлар келтириб чиқарар эди. Айниқса 1702-1704 йилларда Деканда қаттиқ очарчилик бўлди. Унинг оқибатида 2 миллиондан ортиқ одам вафот этди. Фақат солиқни камайтириб ва дехқон меҳнатидан қандайдир даромад келтирадиган қилиб, иқтисодий вазиятни тўғрилаш мумкин эди. Лекин хукумат ҳарбий харажатларга маблағ қидиришга мажбур бўлиб, солиқ оғирлигини камайтиришни истамас эди. Савдогарлар эса, аксинча, дехқонларга ўз солиқ талабларини оширасар эдилар.

*Хунармандчилик ва савдо-сотик.* XVII асрда хунармандчилик, айниқса тўкувчилик (Европа ва Осиё бозорларида ҳинд газмолларига талабнинг ошиш натижасида) ва шу билан боғлиқ бўлган тармоқлар – ип-йигириш, гул босиши, газмол бўяши ва шунга ўхшашларнинг ривожланиши давом этди. Қишлоқларда ва шаҳарларда ҳунарманд аҳоли ўси迪, айниқса Европа факториялари атрофида улар кўп эдилар. Масалан, Мадрас кичкинагина қишлоқдан Жанубий Ҳиндистонинг савдо ва тикувчилик марказига айланди. Шаҳар атрофида яшовчи хунармандларнинг буюмларини савдо агентлари сотиб олар ва факторияга жўнатар эдилар. Қатор кичик шаҳарлар йирик марказ атрофида бирлашар ва ўзига хос иқтисодий туманни ҳосил қиласар эдилар. Лекин хунарнинг ривожланиши ва иқтисодий марказларнинг ҳосил бўлиш жараёни бир ҳилда кетмас ва бу асосан қирғоқ олди минтақаларда кўзга ташланарди. Улар орасида каботаж савдоси ёрдамида чаққон айирбошлиш содир бўлар эди.

XVII асрнинг охирига келиб, марказий ҳокимиятнинг заифлиги шароитида савдогарлар ва дехқонлар қайсиdir бир товар турига монополист сифатида майдонга чиқиб, ўз фойдаларига савдо-сотову ахолисини кўшимча солиққа тортар эдилар. Бобурйлар давлатида кўргина ҳунармандлар ва савдогарлар ҳинклар бўлгани учун улар Аврангзеб даврида диний қувғинларга учраб ва жон бошига кўшимча солиқ - жазия (*jaziya*) киритилишидан жуда таъсирландилар.<sup>2</sup>

XVII асрнинг охири ва XVIII асрда Жанубий Ҳиндистонда ер эгалари - дехқонлар сони кескин камая бошлади, уларни XVI асрдан бошлаб *мирасдорлар* деб атай бошладилар. Шу билан бирга жамоа ижаравчилари солиқ тўловчи –эгалик ҳуқуқини ола бошладилар. Қул қилинган мерос эгалари даражасида турли тоифадаги дехқонларнинг ерга бўлган ҳуқуқини тенглаштириш юз бераётган эди. Дехқонлар фақат юкори солиқ тўловчилар шартида ерга эгалик қиласардилар. Ҳунармандчилик билан дехқончилик қўшилишига асосланган жамоа ташкилоти йўқ бўлиб кетмади. Қишлоқда жамоа ташкилоти феодалнинг тўлиқ ҳокимияти билан ҳақиқатда қўшилувчи - XVII-XVIII асрларда ернинг бўлиб бериш тамойилини пайдо бўлишига олиб келди: ким кўпроқ тўлашга қодир бўлса, кўпроқ ер олар эди. Соликларнинг тўхтовсиз ошиб бориши дехқон учун оғир юқ бўлар ва шунинг учун у ортиқча ердан қутилишга ва шу билан бирга кўшимча солиқлардан қутилишга ҳаракат қиласар эди. Оқсоқоллар, миrzalар, шунингдек жамоага четдан келадиган ва оқсоқоллик ҳуқуқини сотиб олувчиларнинг кичик феодалларга айланиш жараёни кучайди. Қишлоқда товар

<sup>1</sup> Alam Muzaffar. Aspects of Agrarian Uprising in North India in the Early Eighteenth Century / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.449-473.

<sup>2</sup> Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.97, 133-135.





хўжалигининг ривожланиши қишлоқни савдогарга янада кўпроқ бўйсунишига олиб келар эди.

Ҳиндистондаги давлат бошқарувини такомиллаштириш тизимида Аврангзебнинг куидаги баёноти диққатни тортди. Бойлик ва дам олиш таклифларга жавобан Аврангзеб таъкидлади: “Император ҳеч қачон ўзига бундай ҳашаматга йўл қўймаслиги керак. Аллоҳ таоло бизни таҳтга ўзимиз учун эмас, балки халқимиз баҳтига яшаш ва ишлаш учун жойлаштирди. Бизнинг баҳтимиз фақат уларнинг баҳти билан чамбарчас боғлиқ бўлган қисми яхши. Бошқа ҳеч нарса керак эмас”.<sup>1</sup> Хорижий асарлардан бирида Бобурийлар сулоласи давлатни бошқаришда монументал меъморчилик соҳасида бунёдкорлик ишларида катта эътибор берганлиги, бунинг учун улкан иқтисодий ресурсларни ажратгани ва деярли бутун дунёдан етакчи меъморлар ва қурувчиларни жалб қилганлиги қайд этилган.<sup>2</sup>

*Хулоса* қилиб шуни айтиш мумкинки, Бобурийлар сулоласи бошқарувининг барча маъмурий ва иқтисодий тизими давлатни ривожлантиришга каратилганлигини кўпгина тадқиқотлар тасдиқлайди. Буларнинг барчаси Бобурийлар давлати меросининг вақт томонидан синовдан ўтганлигини билдиради. Яна шуни таъкидламоқ лозимки, Ҳиндистондаги ва хориждаги хронологик ҳужжатлар ва йилномаларнинг фоят катта сони, расмлар ва манускрипт суратлар, катта ва кичик меъморий ёдгорликлар, буларнинг барчаси Бобурийлар сулоласи давлатининг кудратини ҳамда самарали бошқарилганлигини тасдиқлайди ва кўрсатади. Кўпгина мамлакатларнинг тарихчилари, тилшунослари ва бошқа олимлари Бобурийлар меросини тадқиқ этишда кўплаб тадқиқотлар қилган бўлсалар ҳам, Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати иқтисодиётини бошқариш ва давлат тузилиши тизимини иқтисодчилар томонидан ўрганиш учун муҳим соҳа бўлиб қолмоқда. Бобурийлар сулоласининг давлат ва иқтисодиётни бошқариш тизими ҳали ҳам ўзида кўп сиру асрорларни сақлаб қолмоқда ва уларни бундан кейин жиддий ва синчковлик билан ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup> Khurshid Salman. Sons of Babur. – New Delhi: Rupa Publications India Pvt. Ltd., 2012. – P.93.

<sup>2</sup> Rulers and Great Leaders of India. – New Delhi: Crest Publishing House, 2002. – P.53-208.

